УШБУ СОНДА:

2 МАСЪУЛИЯТ ҲИССИ

3 СОХТА «МУХБИР»

4 ДЎСТ БОШГА ҚАРАЙДИ...




**MEZON:**

Тижорат мақсадларида чоп этилган, ижроси ижрочи иштирокида ёзиб олинган фонограммани прокатга бериш ҳуқуқи ижрони фонограммага ёзиб олиш тўғрисида шартнома тузилганда фонограммани тайёрловчига ўтади. Тижорат мақсадларида чоп этилган фонограмма нусхаларини прокатга беришда ижроси фонограммага ёзиб олинган ижрочи бундай фонограмма нусхалари прокати учун ҳақ олиш ҳуқуқини сақлаб қолади.

Тижорат масқадларида чоп этилган аудиовизуал асар нусхаларини прокатга беришда ижроси аудиовизуал асарга киритилган ижрочи бундай аудиовизуал асар нусхаларининг прокати учун ҳақ олиш ҳуқуқини сақлаб қолади.

Тижорат мақсадларида чоп этилган фонограмма ёки аудиовизуал асар нусхаларини прокатга беришда ҳақни йиғиш ва тақсимлаш ижрочиларнинг мулкий ҳуқуқларини жамоавий асосда бошқарувчи ташкилот томонидан амалга оширилиши мумкин. Ҳақ миқдори бундай ташкилот билан прокатга берувчи ташкилот ўртасидаги келишувда белгиланади.

**«МУАЛЛИФЛИК ҲУҚУҚИ ВА ТУРДОШ ҲУҚУҚЛАР ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУН 49-МОДДА**

*Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!*

# ИНСОН ва ҚОНУН

№ 44 (499)
2006 йил 7 ноябрь
сешанба

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

Сотувда эркин нархда

## ФАРЗАНДЛАР КАМОЛИ – ЮРТ ИҚБОЛИ

**Сизларга битта савол берай: биз фарзандларимиз, айниқса, қизларимиз билан суҳбатлашиб турамизми, йўқми? Гап оналар ҳақида кетаётгани йўқ. Мен оталарни назарда тутаяпман. Оталар болалари билан, қизлари билан гаплашишга вақт топа оладими, улар билан гаплашишга қурби етадими? Бу саволнинг жавобини ҳозир беришларингиз шарт эмас, ўзларингиз ўйлаб кўринглар, жавоб топинглар.**



Давлатимиз раҳбарининг халқ депутатлари Фарғона вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси қатнашчиларига берган ушбу саволи замиридаги мазмун-моҳиятни, мақсад-муддаони мушоҳада қилар эканман, энг аввало, бу саволга икки оғиз гап билан жавоб бериш мумкин эмаслигига иқрор бўлдим.

Гап шундаки, бу савол фақатгина мажлис аҳлига эмас, барча юртдошларимизга қарата берилган бўлиб, энг муҳими, ёш авлоднинг тақдири ва тарбиясига дахлдор эди.

Қадим-қадимдан фарзанд тарбияси башарият ҳаётида муҳим ўрин эгаллаб келган. Ҳар бир ота-она юрагининг қонидан бино бўлган жигаргўшасининг ақлли, одобли, меҳр-оқибатли, меҳнатсевар инсон бўлиб етишишини истайди, баҳоли қудрат шунга шароит яратишга, камолини, меҳнатининг самарасини кўришга ҳаракат қилади. Зурриёдининг иқболи, истиқболи йўлида кучини ҳам, бойлигини ҳам, керак бўлса, жонини ҳам аямайди.

Бироқ ёш авлод тарбияси неча минг йиллар илгари ҳар бир оиланинг шахсий иши ҳисобланган бўлса, кейинчалик ижтимоий даражага кўтарилган.

Шўро тузуми даврида коммунистик мафкура тизгинида яшаган жамият доирасида барча турдаги билим даргоҳларининг салоҳияти, санъат, маданият, адабиёт, оммавий ахборот воситаларининг кучи сохта ғояларнинг омонат пойдевори устига қурилган эди. Асрлар давомида шаклланган, миллатларнинг ўзлигини асрашга хизмат қилган, аждодлардан мерос қолиб, даврлар бўронларидан соғомон олиб чиққан миллий қадриятлар, тарбия усуллари устидан қора чизиқ тортилди.

Маълумки, инсон ўз табиий эҳтиёжига бегона, танига сингмайдиган, ҳазм бўлмайдиган бирорта моддани қабул қила олмайди, бутун вужуди билан қаршилик кўрсатади.

Тарихий тажрибалар шуни кўрсатдики, миллий табиатига, ҳаётий шарт-шароитига, эҳтиёжига ёт бўлган ғоялар, мафкуралар, ақидаларни инсоннинг қалби ҳам, ақли ҳам қабул қилмас, қилолмас экан.

Мана шу далилнинг ўзи ҳам пойдевори мустаҳкам бўлмаган, тарихий илдизларидан куч-қувват олмаган таълим-тарбия тизими ҳеч қачон имони бутун, инсофи ва диёнати мустаҳкам инсонни тарбиялашга ожизлик қилишини кўрсатиб турибди.

Агар чуқурроқ ўйлаб кўрилса, шўро давридаги тарбиянинг асосий мақсади қоғоздаги адолат, тенглик шиорларини ниқоб қилиб олиб, тузум учун ёлланма ишчиларни тарбиялашга қаратилган экан. Оддий ишчидан тортиб, раҳбаргача ҳамма-ҳаммаси маълум бир маош учун ишлайдиган ёлланма меҳнатчилар сифатида яшагани аён бўлади.

Маълумки, ёлланма ишчида ўз корхонасига ҳам, жамоасига нисбатан ҳам садоқат бўлмайди. Унинг учун кун ўтишигина муҳим, қолгани қизиқтирмайди.

Яқин ўтмишни мушоҳада қилишдан мақсад шуки, мамлакатимиз миллий истиқлолга эришгандан сўнг ёш авлод тарбияси чин маънодаги давлат сиёсати даражасига – миллатнинг бугуни, эртасига хизмат қиладиган юксак мақомга кўтарилди. Бошқача айтганда, таълим-тарбия тизимини такомиллаштириш, ёш авлодни билимли, ҳар томонлама баркамол этиб вояга етказиш вазифаси замонавий ўзбек давлатчилигини, кучли фуқаролик жамиятини қуришга хизмат қиладиган сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маънавий, ҳуқуқий ислоҳотларнинг моҳиятига сингдирилди.

Зеро, бошқача ҳам бўлиши мумкин эмасди. Чунки бозор иқтисодиёти тамойилларига асосланган ҳуқуқий демократик давлатни биз ўзбек халқининг ёш авлодлари учун бунёд этишга киришган эдик. Демак, келгусида уни бизнинг қўлимиздан қабул қилиб оладиган ва бошланган эзгу ишларни давом эттирадиган – Ўзбекистоннинг мустақиллигини мстаҳкамлайдиган, жаҳон миқёсида унинг нуфузи ва обрўсини кўтарадиган, ўзбек халқининг ҳеч кимдан кам бўлмаганлигини, кам эмаслигини амалда намойиш қиладиган авлод ҳам орзу-умидларга, истак ва ниятларга муносиб бўлиши лозим эди.

Давлатимиз раҳбари ўқув даргоҳларига ташриф буюрган чоғларида, фан кабинетлари, синфхоналар, ўқув лабораториялари, ўқувчи ва талабаларга яратилган шарт-шароит билан батафсил танишиб қолмасдан, ёш йигит-қизлар билан астойдил суҳбат қурадилар, уларнинг фикр-мулоҳазаларини диққат-эътибор билан тинглайдилар.

Бу бежиз эмас, албатта. Ҳаётда оддийгина бир ҳақиқат бор: йиллаб пешона тери билан топган даромадига, лой қориб, ғишт қуйиб иморат қурган, ҳовли-жой бунёд қилган, сара кўчатлардан боғ яратган оддий фуқаро ҳам болаларининг меҳнатини қадрлашини, ушбу маконни тоза ва покиза асрашини, обод қилишини, бир сўз билан айтганда, ўзининг чеккан меҳнат ва машаққатларига муносиб меросхўр бўлишини истайди, ният қилади. Агар вориси оқил-доно, мўмин-қобил, меҳнаткаш бўлса, қувонади, мободо ноқобил, ўзининг ҳам, ўзгаларнинг ҳам қадрига етмайдиган, ота-онасининг топганини совурадиган бўлса, куюнади.

***(Давоми учинчи бетда)***

*Qonun ijodkorligi*

## КАФОЛАТЛАР ТАКОМИЛЛАШТИРИЛДИ

***Мамлакатни модернизациялаш ва ислоҳ қилиш жараёнида тадбиркорликни янада ривожлантириш учун мазкур субъектларнинг хўжалик юритишнинг бирор-бир турини танлаш, ишлаб чиқариш дастурини шакллантириш, манбаларни танлаш, ресурс топиш, маҳсулот сотиш, уларга баҳо белгилаш, фойдани тасарруф этиш билан боғлиқ ҳуқуқлари кафолатларини такомиллаштириш лозим. Шунингдек, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоялаш ҳамда молиявий жавобгарлигини эркинлаштиришни даврнинг ўзи тақозо этади.***

Шу мақсадда Олий Мажлис Сенатининг 2006 йил 26 августдаги ялпи мажлисида Қонунчилик палатаси томонидан 2006 йил 29 июнда қабул қилинган **"Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш ҳамда молиявий жавобгарлигини эркинлаштириш билан боғлиқ бўлган Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"**ги қонуни маъқулланди. Мазкур қонун 32 та қонунга жумладан, «Маъмурий жавобгарлик тўғрисида»ги ҳамда Солиқ ва Божхона кодексларига бир қатор ўзгартиришлар киритилишини тақозо этади.

Моҳиятан ушбу қонун давлат томонидан тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини ҳуқуқий ҳимоялашга, уларнинг фаолияти билан боғлиқ молиявий жавобгарликни енгиллаштиришга қаратилган бўлиб, тадбиркор ва назорат идораларининг муносабатларини қонун орқали тартибга солади.

Қонунда тадбиркорлик субъектларининг фаолияти билан боғлиқ масалалар фақат суд томонидан қўлланилиши назарда тутилган. Жумладан, энди тадбиркорлик субъектлари бўлган юридик шахсларга нисбатан молиявий санкциялар фақат суд тартибида амалга оширилади. Молиявий жарималарни мажбурий ундириш, тадбиркорлик субъектларидан ҳуқуқбузарлик предметларини мусодара этиш, божхона идоралари томонидан бериладиган лицензияларни 10 иш кунидан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйиш, уларни бекор қилиш чоралари фақат суд томонидан амалга оширилиши қонунда белгиланди.

Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш билан боғлиқ ўзгартиришлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 июндаги **"Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги ва 2005 йил 24 июндаги **"Тадбиркорлик субъектларининг хўжалик соҳасидаги ҳуқуқбузарликлари учун молиявий жавобгарлигини эркинлаштириш тўғрисида"**ги Фармонларига биноан амалга оширилган. Мазкур Фармонларга кўра, тадбиркорлик субъектлари йўл қўйган айрим ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик юридик шахслардан олиниб, уларнинг мансабдор шахсларига юкланди. Шу билан бирга, тадбиркорлик субъектлари томонидан содир этилган ҳуқуқбузарликлар учун қўлланиладиган молиявий жарималар миқдори камайтирилди.

Тадбиркорлик субъекти етказилган зарарни ихтиёрий тарзда қоплаган ҳолатда, «Маъмурий жавобгарлик тўғрисида»ги кодексга киритилган ўзгартиришга асосан, молиявий жазодан озод этилиши назарда тутилди. Масалан, материаллар суд инстанцияларига топширилган кундан бошлаб бир ой ичида тадбиркорлик субъекти солиқ ва йиғимларни тўламай содир этган ҳуқуқбузарлик боис етказилган зарарнинг ўрнини ихтиёрий тарзда қопласа, унинг оқибатларини бартараф этса, молиявий жарималардан озод қилинади.

Давлаттимиз раҳбарининг 2005 йил 24 июндаги Фармонига асосан, молиявий жарималар шаклида жавобгарлик чоралари қимматли қоғозлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларнинг баъзи турлари учун сақлаб қолинди. Бундай ҳуқуқбузарликларнинг бошқа турлари учун ҳуқуқбузарликда зарар етказилган ёки етказилмаганига қараб, жавобгарлик мансабдор шахслар ва жисмоний шахсларга нисбатан белгиланадиган бўлди.

***(Давоми учинчи бетда)***

*Munosabat*

## БРИТАНИЯ БУТУН МАРКАЗИЙ ОСИЁДАГИ ВАЗИЯТДАН НЕГА БУНЧАЛИК «ТАШВИШДА?»

Айни кунларда мен «Буюк Британия Ташқи ишлар вазирлиги эълон қилган инсон ҳуқуқлари бўйича 2006 йилги Ҳисоботда Ўзбекистонни алоҳида ташвиш туғдираётган Афғонистон, Зимбабве, Бирма, Шимолий Корея ва бошқа, инсон ҳуқуқлари хароб аҳволдаги мамлакатлар қаторига қўшгани» тўғрисидаги хабарни ўқиб қолдим. Бу хабар оҳангига кўра, инглиз Ташқи ишлар вазирлиги томонидан тўқиб-бичилган ҳужжат бўлиб, Ўзбекистонга, Ўзбекистон Республикаси сиёсий раҳбариятининг «қулоқ осмаётгани» учун, Эски дунё зўравонларининг навбатдаги «юриши»дан бошқа нарса эмас. Бироқ бу узоқни мўлжаллаган империялик мақсадларига эга расмий Лондоннинг «юриши»нинг ягона сабаби эмас. Гап шундаки, Марказий Осиё давлатлари доимо Евроосиё континентининг маркази ҳисобланиб келган. Бундан юз йил бурун инглиз геосиёсатчиси Х.Маккиндер тан олиб айтгандай, бу «Ернинг юрагига кириш ва уни эгаллаб олиш доимо кўплаб ғарб давлатларининг ва биринчи навбатда, Буюк Британиянинг ширин орзуси бўлиб келган. Бу тажовузкор утопияни тиклашга қаратилган бугунги уринишлар Ғарбнинг турли-туман стратегияларни, жумладан, «демократияни эскпорт қилиш», глобаллаштириш, «рангли инқилоблар» уюштириш орқали сайёрамизнинг табиий захираларга энг бой ҳудудларидан бири устидан мутлақ назорат ўрнатишга қаратилганки, бу ҳудудга ҳукмрон бўлиш ер юзининг бошқа қисмлари устидан ҳам ҳукм юритишда қўл келади. Буюк Британия сингари ва унга шерик давлатларнинг бугунги кунда «ўзининг миллий манфаатлари зонаси»ни эгаллаб олишга уринишлари уларнинг кейинги йиллардаги стратегик режаларидан далолат беради. Бу, аввало, уларнинг Ироқ, Эронга нисбатан режалари, шунингдек, Осиё континентидан бир қатор нуқталарга, халқаро терроризмга қарши кураш шиори остидаги кенг кўламли ҳарбий операцияларидир. Айтиш жоизки, Ғарбнинг ўзиникига ўхшаш демократияни собиқ иттифоқ ҳудудидаги давлатларда қарор топтириш бўйича стратегияси муайян вақтгача муваффақиятли кечди. Ва фақат Ўзбекистонда бу стратегия тўлиқ муваффақиятсизликка юз тутди. Бу мамлакатнинг кучли давлатчилиги ва мустақил ташқи сиёсати Ғарбга унинг ҳудудини аста-секинлик билан эгаллаб олиш стратегиясини ўтказишга йўл қўймади. Ўзбекистон раҳбариятининг бундай бўйсунмаслигидан жазавага тушган айрим хорижий кучлар тинч мамлакатда энг радикал «таъсир» дастаклари билан навбатдаги «рангли инқилоб»ни ташкил қилди. Бироқ аҳоли бандитлар тўдасига эргашмади ва бу билан нафақат Фарғона водийсини, балки бутун Марказий Осиё ҳудудига ёйиладиган ёнғиннинг олов олишига йўл қўймади.

Шундай қилиб, ташқаридан ташкиллаштирилган ва конституциявий давлатни қулатишга қаратилган ғайриқонуний уринишлар муайян ғарб мамлакатларининг Марказий Осиёга нисбатан ишлатган бутун ташқи сиёсати буткул барбод бўлиши билан якун топди.

Ўзбекистон ҳақида жаҳон жамоатчилигида салбий фикрни шакллантиришга қаратилган ахборот уруши ҳам барбод бўлди. Ўзбекистон ҳеч кимнинг олдида ўзини оқлашга уринмай, ҳеч кимнинг ўзига босим ўтказишига йўл қўймай, изчил тарзда ислоҳотларни, демократик ўзгаришларни давом эттираётир. Лондонлик «назоратчилар»дан фарқли ўлароқ, соғлом фикр ва виждонга эга бўлганлар ўзбек жамияти ҳаётининг барча жабҳаларида, шу жумладан, инсон ҳуқуқини таъминлаш соҳасида ҳам мунтазам ривожланишнинг натижаларини кўриб турибди. Бу ҳақда Россия, шунингдек, жаҳон оммавий ахборот воситалари ёзишмоқда.

Режалари барбод бўлгач, буюртмачилар аста-секин эгаллаб олиш сиёсатини ўтказувчилардан Ўзбекистондаги вазиятни беқарорлаштириш бўйича янги ҳаракатларга киришишни талаб этишди. Мана шу йўлдаги қадамлардан бири Британия ТИВнинг Ҳисоботи бўлди. Унда, ғарблик ўқувчилар оммасини «қайноқ» хабарлар билан жунбушга келтириш мақсадида, Ўзбекистонда кўрилган ҳар бир суд иши фуқаролик жамияти ва мустақил матбуотга қарши кампания сифатида тақдим этилди. Бу борада «энг жиддий ташвишларини» айтиб, Британия ТИВ ўзининг империячилик ҳаракатлари кўрсатишни ёддан чиқармади. Бу масалада айтиш мумкинки, демократик қурилиш йўлидан ишонч билан бораётган Ўзбекистон аллақачон инсон ҳуқуқини таъминлаш бўйича хорижлик айрим назоратчиларнинг бундай дўқ-пўписаларига бир неча бор муносиб жавоб берган. Ўзбекистон бундан кейин ҳам ўзининг мустақил ички ва ташқи сиёсатини юритаверади, унинг ягона мақсади — ўз халқининг фаровонлиги, тинч ҳаёти ва бунёдкор меҳнатини таъминлаш.

Лондонлик инсон ҳуқуқи билимдонлари охир-оқибат шуни тушунишлари керакки, уларнинг Марказий Осиёни, хусусан, Ўзбекистонни аста-секин эгаллаб олишдек ғаразли мақсад йўлидаги чиранишлари самарасиздир. Ҳар хил бақир-чақир ва сунъий шовқинлар ҳақида эса Шарқда шундай нақл бор: ит ҳурар, карвон ўтар.

**Дмитрий КОСЫРИН**
Манба: Центразия

*Xabar*

## ҚОНУН ИЖРОСИ БИЛАН КУЧЛИ

**Яқинда Адлия вазирлигида «Нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятининг ҳуқуқий асослари» мавзусида семинар бўлиб ўтди.**

Унда нодавлат нотижорат ташкилотлар раҳбарлари, ҳудудий адлия бошқармалари, прокуратура идораларининг масъул ходимлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.

Тадбирда нодавлат нотижорат ташкилотлар вакилларини улар фаолиятини тартибга солувчи қонунчилик, унга киритилган қўшимча ва ўзгартиришлар билан таништириш, шунингдек, нодавлат нотижорат ташкилотларнинг давлат идоралари билан ҳамкорлигини янада ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Семинарда Ўзбекистоннинг демократик жамият қуриш йўлида муваффақият билан илгарилаётганлиги, бу борада нодавлат нотижорат ташкилотларнинг тутган ўрни, мазкур ташкилотларнинг жамиятдаги ишсизликни камайтириш, қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотларни ва касаначиликни қўллаб-қувватлашга оид фаолиятлари тўғрисида ҳам тўхталиб ўтилди.

Семинарда нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятининг ҳуқуқий асоси Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 58-моддасида белгилаб берилганлиги таъкидланиб, қонунларда нодавлат нотижорат ташкилотларнинг ўз фаолиятини олиб боришдаги ҳуқуқлари билан бирга уларнинг мажбуриятлари ҳам белгилаб қўйилгани қайд этилди. Бу, аввалaмбор, нодавлат нотижорат ташкилотлар томонидан амалдаги қонунчилик талаблари, устав мақсад ва вазифалари доирасида фаолият юритишни назарда тутади.

Шу боис Адлия вазирлиги вакиллари нодавлат нотижорат ташкилотлар раҳбарлари эътиборини нодавлат нотижорат ташкилотлар томонидан йўл қўйилаётган айрим қонунбузилиш ҳолатларига қаратишди. Айрим нодавлат нотижорат ташкилотлар томонидан йўл қўйилаётган ҳуқуқбузарлик ҳолатлари қонунчилик талабларини яхши билмаслик оқибатида содир этилаётганлиги ҳам таъкидланди.

Бу каби ҳуқуқбузарлик мисоли сифатида Республика Бош прокуратураси вакиллари томонидан «Winrock International» халқаро нодавлат ташкилотининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ва унга ҳамкор маҳаллий нодавлат нотижорат ташкилотлар томонидан лицензиясиз видеофильм ва матбаа маҳсулотларини тайёрлаш ва уларни Ўзбекистон ҳудудида тарқатиш ҳолатлари келтирилди. Мазкур ҳуқуқбузарликлар бўйича ушбу ташкилотлар мансабдор шахсларига нисбатан жиноий иш қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Семинарда сўзга чиққан маърузачилар нодавлат нотижорат ташкилотлар вакилларининг саволларига аниқ ва батафсил жавоб беришди, ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этишда жамиятнинг барча аъзолари қонунчилик талабларига қатъий риоя этиши лозимлиги ҳақида фикр билдиришди.

*Jamiyatimiz maqsadi*

## ИНСОН ШАХСИГА ИШОНЧ

Асосий Қонунимиз — Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси инсонпарварлик тамойилларига асосланган ва халқимиз томонидан катта мамнуният билан қабул қилин. Унда, биринчи навбатда, шахс манфаати давлат манфаатидан устун, деб белгиланган, инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари энг олий қадрият сифатида муҳрлаб қўйилган.

Ўтган йиллар мобайнида давлатимиз ўзи танлаган ташқи ва ички сиёсатга содиқ қолиб, инсон ҳуқуқларига риоя этиш ва уларни ҳимоя қилиш юзасидан изчил ислоҳотларни амалга ошириб келмоқда. Жумладан, юртимизда инсон ҳуқуқлари масалаларида қонунга риоя қилиш самарадорлигининг Парламент томонидан назоратини амалга оширувчи Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) институти, миллий қонунчилигимиз меъёрларининг инсон ҳуқуқларига доир халқаро меъёрларга мос келишини таъминловчи Амалдаги қонунчилик мониторинги институти, социологик тадқиқотлар олиб борадиган ва республикамизда фуқаролар ҳуқуқлари таъминланишини таҳлил этувчи Жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази ҳамда Инсон ҳуқуқлари миллий маркази ташкил топди.

1997 йил 24 апрелда ўтган Олий Мажлиснинг саккизинчи сессиясида Омбудсманнинг ҳуқуқий ҳолатини тартибга солувчи, унинг фаолият соҳаси ва тамойилларини, фуқаролар аризаларини кўриб чиқишга доир ваколатларини, фуқароларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаб берган **«Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) тўғрисида»**ги қонун қабул қилинди. Республикамизда мазкур институтнинг ташкил топиши давлат билан фуқаро ўртасидаги муносабатларнинг янги даврини бошлаб берувчи мустақил идорага бўлган эҳтиёжнинг тан олинганидан далолатдир.

***(Давоми иккинчи бетда)***

*Jamiyatimiz maqsadi*

# ИНСОН ШАХСИГА ИШОНЧ

***(Давоми. Боши биринчи бетда)***

Бундан ташқари, мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг самарали механизмини яратиш ва уни янада такомиллаштириш йўлида Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 27 августдаги **«Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги қарори асосида, Адлия вазирлигида Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бошқармаси ҳамда ҳудудий бошқармаларда бўлимлар ташкил этилди. Қисқа вақт ичида адлия идоралари томонидан фуқароларнинг меҳнат ва ижтимоий масалаларга оид ҳуқуқлари бузилишининг олдини олиш ҳамда бу борада қонунбузарликлар аниқланган тақдирда ижро қилиниши мажбурий бўлган тақдимномалар киритиш ва суд орқали фуқароларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклашнинг самарали механизми шакллантирилди. Олий Мажлис томонидан **«Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида»**, **«Адвокатура тўғрисида»** ва **«Адвокатлар фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида»**, 2001 йил 29 августдаги **«Жиноий жазоларни либераллаштириш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги қонунлар қабул қилинди.

Киритилган ўзгариш ва қўшимчалар жиноий таъқиб этиш ва жиноят ишларини судда кўришнинг асослари ҳамда асосий тамойилларини тубдан ўзгартиришга қаратилгандир. Уларга кўра, ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар тури 18,7 фоиздан 42,8 фоизга етказилди, 12 турдаги жиноятлар оғир турдан унча оғир бўлмаган жиноятлар турига, 7 турдаги жиноятлар эса ўта оғир жиноятлар сирасидан оғир жиноятлар турига ўтказилди. Қўшимча жазо тури сифатида мол-мулкни мусодара қилиш қонундан чиқариб ташланди. Жиноят ишларини судда кўриш амалиётида илк марта ярашганлик муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод этиш институти жорий этилди.

Мазкур ислоҳотлар моҳиятига, кўра улкан маънавий, тарбиявий аҳамиятга ҳам эгаки, бу айрим турдаги жиноятларни содир этган шахсларга хулқини тўғрилаш учун имконият беради. Шу нуқтаи назардан ҳам қонунчилигимиздаги туб ислоҳотлар инсон шахсига ишончнинг олий намунасидир.

Президентимизнинг 2005 йил 1 августдаги **«Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»**ги Фармони мамлакатимиз суд- ҳуқуқ тизимида изчил давом этаётган ислоҳотларнинг мантиқий давоми бўлди. Фармон жиноий жазо тизимини либераллаштиришнинг янги босқичини бошлаб берди.

Суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотларнинг илк босқичидаёқ **«Ислоҳот ислоҳот учун эмас, аввало, инсон учун, инсон манфаатларини таъминлаш учун»** деган ғоя янгиланиш ва ўзгаришлар жараёнининг асоси қилиб олинган эди. Бугунги кунда ана шу қоидага таянилган ҳолда миллий ҳуқуқий тизим яратилди ва босқичма-босқич такомиллаштирилиб борилмоқда. Ислоҳотларнинг ҳозирги босқичида эса, инсоннинг Конституцияда белгиланган ҳуқуқ ва эркинликларининг суд орқали ҳимоя этилишини таъминлаш заруратини ҳаётнинг ўзи тақозо этаётир. Дарҳақиқат, Конституция ва қонунларда белгиланган инсон ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир, уларни суд қарорисиз чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас.

2005 йил 8 августда эълон қилинган Президентимизнинг **«Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида»**ги Фармони билан инсон ҳуқуқлари дахлсизлигини таъминлаш йўлида яна бир дадил қадам қўйилди.

Маълумки, прокурор жиноятлар юзасидан дастлабки тергов олиб борилишини таъминлайди ҳамда судда давлат айбловини қувватлайди, қамоққа олишга санкция бериш масаласини ҳам прокурорнинг ўзи ҳал этади. Бу эса, айблов билан ҳимоя ўртасидаги тортишувнинг юзага келишига муайян даражада тўсқинлик қилади. Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилган тақдирда айблов ва ҳимоя инстанцияларига ўз фикрларини асословчи далиллар тақдим этиш учун тортишув имконияти туғилади. Натижада айбловдан ҳам, ҳимоядан манфаатдор бўлмаган суд айбловчи ва ҳимоячи тақдим этган далиллар бўйича қонуний қарор қабул қилади.

Демак, Президентимизнинг **«Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида»**ги Фармони суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштириш, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоялашни тўлиқ кафолатлашнинг ҳаётий омилларига асосланган.

Мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ислоҳотлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда, инсонпарварлик тамойилларига асосланган миллий қонунчилик билан давлатимизнинг халқаро майдондаги мавқеи ва обрўси янада ошмоқда. Зотан, инсоният тараққиёти, халқларнинг фаровонлиги ва равнақи чинакамига умуминсоний қадриятларнинг қарор топиши, демократик принципларнинг амалга оширилиши, тараққийпарвар кучларга ишончнинг мустаҳкамланиши билан чамбарчас боғлиқдир.

**Акбар ТОШҚУЛОВ,**
**Сурхондарё вилояти адлия бошқармаси бошлиғи**

*Muloqot*

## ИШОНЧЛИ ВАКИЛНИНГ ҲУҚУҚИ

***— Мен бир фуқаролик ишида ишончли вакил сифатида иштирок этмоқчиман. Менинг бу борадаги ҳуқуқ ва мажбуриятларим нималардан иборат?***

**Жамол ҚОСИМОВ,**
**Сирдарё вилояти**

— Фуқаролик-процессуал кодексининг 34-моддасида фуқаролик ишида иштирок этувчи шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгиланган. Ушбу моддага мувофиқ, ишда иштирок этувчи шахслар иш материаллари билан танишиш, улардан кўчирмалар олиш, рад этиш тўғрисида арз қилиш, далиллар тақдим этиш ва далилларни текширишда иштирок этиш, ишда иштирок этувчи бошқа шахсларга саволлар бериш, илтимосномалар тақдим этиш, судга оғзаки ва ёзма тушунтиришлар бериш, суд жараёнида туғиладиган масалалар бўйича ўзининг важларини баён қилиш, бошқа шахсларнинг арзлари, илтимосномалари, важларига қарши эътирозлар билдириш, суднинг ҳал қилув қарори, ажрими ва қарори устидан шикоят қилиш, суд чиқарган ҳал қилув қарори, ажрими ва қарорнинг мажбурий ижросини талаб қилиш ва ушбу Кодексда назарда тутилган бошқа процессуал ҳуқуқлардан фойдаланиш ҳуқуқига эгадирлар.

## КОМПЕНСАЦИЯ БЕРИЛАДИМИ?

***— Мен ўтган йили вазият тақозосига кўра, меҳнат таътилига чиқмаган эдим. Айтинг-чи, фойдаланмаган меҳнат таътили учун компенсация бериладими?***

**Наргиза ТОШЕВА,**
**Тошкент шаҳри**

— **Меҳнат кодексининг 151-моддасига** асосан фойдаланилмаган йиллик асосий ва қўшимча таътиллар учун пуллик компенсация фақатгина меҳнат шартномаси бекор қилинган ходимгагина тўланади.

Ходимга ишлаётган даврида эса унинг хоҳишига кўра, йиллик таътилнинг ушбу кодекснинг 134-моддасида белгиланган энг оз муддатидан (ўн беш иш кунидан) ортиқча қисми учун пуллик компенсация тўланиши мумкин.

## ЖАВОБГАРЛИК БЕЛГИЛАНГАН

***— Яқинда мен меҳнат сафари билан бошқа шаҳарга бориб, меҳмонхонага жойлашдим. Ўша меҳмонхонада ўзимга тегишли бўлган буюмларни ўғирлатиб қўйдим. Бу борада мен меҳмонхона маъмуриятига мурожаат этганимда биз бу масалага жавоб бермаймиз, дейишди. Шу тўғрими?***

**Ражаб ШАРИПОВ,**
**Қашқадарё вилояти**

— Йўқ, меҳмонхона маъмуриятининг фикри нотўғри. Нега деганда, Фуқаролик кодексининг 899-моддасида айнан шундай ҳолатлар хусусида сўз юритилиб, меҳмонхонага мижоз томонидан олиб кирилган ашёларнинг йўқолганлиги, кам чиққанлиги ёки шикастланганлиги учун омонат сақловчи сифатида меҳмонхона жавоб бериши кўрсатилган. Албатта, ашёнинг ўз хоссалари оқибатида ёки мижознинг ҳамроҳлари, унинг ёнига келган шахслар айби билан йўқолган, кам чиққан ёки шикастланган ҳоллар бундан мустасно.

Меҳмонхона ходимларига ишониб топширилган (ёки махсус жой меҳмонхона номери ва бошқалар)га жойлаштирилган ашё меҳмонхонага олиб кирилган ашё деб ҳисобланади.

Пул, қимматли қоғозлар ва бошқа қимматбаҳо ашёларни сақлаш учун меҳмонхона маъмурияти билан алоҳида омонат сақлаш шартномаси тузилсагина, меҳмонхона уларнинг йўқолганлиги учун жавобгар бўлади.

Меҳмонхонада яшаётиб, ашёлари йўқолганлигини, билган шахс меҳмонхона маъмуриятига кечиктирмай хабар қилиши шарт. Акс ҳолда меҳмонхона ашёлар учун жавобгарликдан озод қилинади.

Агар мижоз кўрсатилган тартибларга амал қилса, меҳмонхона йўқолган ашё учун тўла жавобгар ҳисобланади.

Меҳмонхоналарда талаб қилиб олинмаган ашёларни сақлаш муддатлари ва уларнинг тақдири ушбу кодекс 897-моддасининг бешинчи қисмидаги қоидаларга мувофиқ белгиланади.

Ушбу модданинг қоидалари меҳмонхоналар, дам олиш уйлари, санаторийлар, ётоқхоналар, ҳаммомлар, шунингдек, фуқароларнинг ашёларини сақлаш учун махсус ажратилган жойларга эга бўлган бошқа ташкилотларга нисбатан ҳам қўлланилади.

**Чортоқ туманининг экин майдонлари, асосан, қир-адир ерларга тўғри келади. Шу боис, бу жойларда деҳқончилик қилиш анча мушкул. Бироқ чортоқлик миришкорлар ҳар бир қарич ердан омилкорлик билан фойдаланиб, мўл ҳосил хирмон уюб оилаларига қут-барака киритишади.**

*Qonun ko`magi*

# ШАРТНОМА ТАЛАБИ

## *эътиборсизликни кечирмайди*

Тумандаги «Абдуллажон-Моҳира-Комила» фермер хўжалиги экин майдонлари ҳам қир-адир ерларда жойлашган. Хўжалик аъзолари жорий йил ҳосили учун етти гектар ерга буғдой уруғини сепишганди. Уруғ бир текисда униб чиқди. Ер бетини қоплаган кўк майсаларга вақтида минерал ва маҳаллий ўғит солинди. Буғдойзор бегона ўт-ўланларда тозаланиб, оби-тобида суғорилди. Буғдой бошоқлари секин-аста қизариб, донга тўлди. Етиштирилган ҳосилнинг чўғи ёмон эмас, бундан деҳқоннинг кўнгли тўқ эди...

Бироқ ғалвирни сувдан кўтарганда фермер хўжалиги аъзоларининг ҳафсаласи пир бўлди. Етти гектар экин майдонининг 3,5 гектар ердан 17,7 тонна, қолган 3,5 гектар экин майдонидан эса бор-йўғи 7,5 тонна хирмон кўтарилиб, ялпи ҳосил 25 тоннани ташкил этди, холос.

Қизиқ, ер, табиий шароит бир хил бўлса, ҳатто уруғ ҳам, аммо ҳосилдорлик нега бошқача?

— Бунинг сабабини, — дейди фермер хўжалигининг бошлиғи Т.Мирзааҳмедов, — туман машина трактор паркининг мутасаддиларидан сўраш керак.

— Томонлар ўртасида шартнома тузилганми? — сўраймиз ундан.

— Бўлмасам-чи, — таъкидлайди фермер, — ҳатто пулигача ўтказиб қўйилган.

Ҳақиқатдан ҳам, жорий йилнинг 6 январ куни Чортоқ туман машина трактор парки билан «Абдуллажон-Моҳира-Комила» фермер хўжалиги ўртасида **«Қишлоқ хўжалик маҳсулотлар етиштирувчиларга хизматлар кўрсатиш ва механизация ёрдамида ишларни бажариш»** юзасидан 57-сонли шартнома тузилган. Бу ҳужжатда машина трактор парки «Бажарувчи», деб этиб қайд этилиб, «Буюртмачи»дан 20 гектар ер майдонини ҳайдаш ҳамда 7 гектар майдондаги буғдойни ўриб бериш мажбуриятини ўз зиммасига олган. Ўз навбатида «Буюртмачи» — фермер хўжалиги бажариладиган ишлар учун олдиндан, яъни жорий йилнинг 6 апрел куни 44 минг, 13 апрел куни эса 46 минг сўм маблағни «Бажарувчи»нинг ҳисоб рақамига ўтказиб берган.

Аммо, афсуски, шартнома мажбуриятларига амал қилиш, уни тўлиқ бажаришга келганда машина трактор паркининг мутасаддилари лоқайдлик йўлига ўтиб олишди. Улар шартномада қайд этилган 7 гектар экин майдонидаги буғдойни тўлиқ ўриб янчиб беришмади. Оқибатда шартнома мажбуриятлари лозим даражада бажарилмай қолди.

— Буғдой ўримига 7 июн куни тушишди, — дейди фермер хўжалиги бошлиғи, — етиштирилган ҳосилдан кўнглимиз тўқ эди. Аммо экин майдонларимиз нотекис бўлгани боис, қийинчиликлар юзага келди. Комбайнлар фақат бир тарафлама, яъни қуйига қараб буғдой ўришди. Натижада иш унуми камайиб, ёқилғи сарфи ортиб кетди. Машина трактор паркидан 7 гектарга мўлжаллаб ажратилган ёқилғи 3,5 гектар ерга аранг етди.

Хуллас, ана шу сабабларга кўра ўрим тўхтайди. Фермер хўжалигининг бошлиғи камбайнларга вақтида ёқилғи топиб беролмайди. Ёқилғи топилганда эса, техникалар аллақачон бошқа хўжаликка экин майдонига ўтиб кетганди. 3,5 гектар ердаги буғдой ўрилмай қолиб кетади.

«Қолган ишга қор ёғар», деб бежизга айтишмаган. Фермер хўжалиги бошлиғи елиб-югуриб, орадан бир ой ўтгач, буғдойга ўроқ тушади. Хойнаҳой, чала қолган ишни туман машина трактор паркининг камбайнчилари ниҳоясига етказишгандир, деб, ўйлаган бўлсангиз янглишасиз.

— Менимча, шартнома, — дейди фермер хўжалиги ҳисобчиси А.Мирзааҳмедов, — туман машина трактор паркининг мутсаддилари томонидан хўжакўрсин учун тузилган кўринади. Акс ҳолда, улар шартнома мажбуриятларига амал қилишарди. Ўз вақтида ўрилмаган буғдойни эса Раҳматилла Қозоқовнинг хусусий комбайнида ўриб олдик.

Туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими мутахассиси К.Жўрабоев берган хулосага кўра, кечиктириб ўрилган 3,5 гектар ер майдонидан режага нисбатан, 1,9 тонна буғдой ҳосили йўқотилган. Бу масаланинг бир жиҳати. Яна бир нозик жиҳати шундаки, машина трактор паркининг камбайнчилари фермер хўжалигининг 3,5 гектар ердаги буғдойни ўришган. Бироқ бу кўрсаткич расмий ҳужжатларда 4,5 гектар, деб қайд этилган. Бундай кўзбўямачиликдан кимга фойда-ю кимга зиён?

Демак, машина трактор паркидан фермер хўжалигига 3,5 гектар ер майдондаги ғаллани ўриб бермагани учун, ўриб бериш қиймати 149 минг 649 сўмнинг 25 фоизи миқдоридаги 37.412 сўм жаримани, буғдой ўришни асоссиз кечиктиргани ҳисобига йўқотилган 1.9 тонна буғдойнинг ўртача давлат харид нархидаги баҳоси — 205.200 сўм миқдоридаги зарарни ундириш лозим бўлади.

Вилоят адлия бошқармаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 27 августдаги 370-сонли қарори ҳамда томонлар ўртасида тузилган шартнома талабларига асосан, «Абдуллажон-Моҳира-Комила» фермер хўжалиги манфаатини кўзлаб вилоят хўжалик судига даъво аризаси киритди. Дарҳақиқат, шартнома мажбуриятларини бажариш ва унга амал қилиш иш бугуннинг қатъий талабидир.

**Анваржон ТУРСУНОВ,**
**ҳуқуқшунос**
**Маъмур МУСУЛМОНОВ,**
**«Инсон ва қонун» мухбири**

*Bugunning gapi*

# ИЗЛАГАН ИМКОН ТОПАР

**Бундан ўн беш йиллар муқаддам фермерлик ҳаракати ҳақида айтарли тушунчага эга эмасдик. Ўтган қисқа фурсатда фермер қишлоқнинг олди одами бўлиб қолди.**

**Келинг, яхшиси мен ўз тажрибам, фермер бўлиб нималарга эришганим, ким эдим-у, ким бўлганим ҳақида бир бошдан сўзлаб берай. Сиз эшитинг.**



Шўро даврининг узоқни кўра олмаслик сиёсати бизни, Қашқадарёнинг чекка бир қишлоғини ҳам четлаб ўтмаган. Ўша йиллари қишлоғимиз аҳолиси ҳеч бир сабабсиз Тошкент вилоятининг Бўка туманига кўчирилган. Маҳаллий аҳоли қишлоғимиз аҳлини ўз бағрига олган бўлса-да, аммо биз, чилимбошликлар янги жойда томир отиб, палак ёзиб кета олмадик. Бизни киндик қонимиз томган юрт ўзига тортиб тураверди. Ахийри, яна ўз қишлоғимизга кўчиб келдик. Шу йиллари мен қўл урмаган соҳа қолмади, ҳисоб. Ойлик маошим рўзғорни тебратишга учма-уч етарди. Ойликни қўлга олмай туриб, тақсимлаб қўярдим. Қўлимда деярли пул турмаган.

Шукрки, бугун тўкинчилик. Фермер хўжалигим ерларидан тонналаб дон, ёғ заводидан тонналаб ёғ оламан. Нафақат менинг, балки хўжалигим ишчиларининг ҳам рўзғорлари обод.

Хўш, мен бунга қандай эришдим?

Бир сўз билан айтганда, мустақиллик туфайли. Истиқлол ўзбекнинг ўзлигини намоён этиш учун барча имкониятларни яратиб берди. Нега энди бу имкониятдан фойдаланмаслик керак экан? 1991 йилда туманда биринчилардан бўлиб, фермер хўжалиги туздим. Эҳ-ҳе, бунинг учун озмунча ҳаракат қилдим, дейсизми?! Чунки ўша пайтлари фермерлик ҳаракати эндигина куртак отаётган, унга қаршилар кўп эди. Фермер хўжалиги ташкил этиш ҳақида туман ҳокимининг қарори чиққанидан сўнг ҳам ерни ўлчатиб олишнинг ўзи бўлмаган. «Чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжалиги тузмоқчи экансиз. Яхши, қилаверинг. Аммо ем-хашак етиштириш учун хўжаликдан ер ажратмаймиз. Ем-хашакни биздан оласиз», дейишган. Тортиша-тортиша ер олдим.

Фермер ҳамма нарсадан хабардор бўлиши, ҳақ-ҳуқуқини яхши таниши керак.

Ерни олгач, экканимнинг баракасини бер, юзим шувут бўлмасин, деб астойдил меҳнат қилдим. Ишонасизми, ўша йили пахтадан ҳам ғалладан ҳам мўл ҳосил олдим. Қўлим пул кўрди. Ўнта молим бугунги кунда 200 тага етди.

Қарши шаҳрида тез-тез қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ярмаркаси ўтказилиб турилади. Мен ярмаркада маҳсулотларим билан қатнашаман. Шаҳарликлар дастурхонига арзон, сифатли маҳсулот етказиб берамиз. Кейинги борганимда бир соғин сигирни бузоғи билан етаклаб олиб бордим. Энг эҳтиёжманд, серфарзанд оилага атадим. Маҳалла фуқаролар йиғини раисига «Агар эплаб боқиб юришса, кейинги йили бошқа маҳалланинг ана шундай оиласига ҳам битта сигир бераман», деб ваъда қилиб қўйдим.

Юртбошимиз фермер бойиса, юрт обод бўлади, деб бежизга айтмайдилар. Чунки топганимиз, ўзимиздан ортгани шу халқники, шу юртники-да.

Отам қишлоқнинг биринчи ўқитувчиси бўлганлар. Отамнинг хотираси, қолаверса, қишлоқнинг болаларига енгиллик бўлсин, дея фермер хўжалиги маблағидан бошланғич синф ўқувчилари учун мактаб биноси қуриб бердим. Ўзим бош бўлиб қишлоққа йўл чиқаришга, хонадонларга табиий газ келтиришга кўмаклашдим. Бу сўзларимдан тағин мени мақтанаяпти, деб ўйламанг. Ерга эгалик қилиш, мулк эгаси бўлишнинг афзалликларини айтаяпман, холос. Қолаверса, бу ҳаётимизга кириб келган янгилик натижаси, ислоҳотлар натижаси. Ислоҳотлардан кўзланган мақсад ҳам аслида шу-да.

Юртбошимиз халқ депутатлари Фарғона вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида ўзимизда етиштирилган хомашёни ўз корхоналаримизда қайта ишлаш, тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни кучайтириш ҳақида қимматли фикрларни айтдилар. Бу, айниқса, биз, фермерларнинг кўнглидаги гап. Чунки хўжалигимизда етиштирилаётган маҳсулотларни қайта ишлаб сотганимизда борми, даромад бундан ҳам ошган бўларди. Тўғри, айни пайтда ҳам бировдан кам жойим йўқ. Йиллик даромаддан ҳар йили биттадан зарур техника воситаси сотиб оламан. Энди эса маҳсулотларни қайта ишлайдиган цех сотиб олишни режалаштираяпман.

Пешонада бор экан, ер эгаси бўлдик. Хусусий мулкимиз бор. Яқинда хўжаликнинг чорвачилик биносини ҳам сотиб олдим. Имкониятим янада кенгайди. Қора моллар сонини янада кўпайтириш имконияти туғилди. Демак, хўжалигим даромади янада ошади. Менинг ҳам, ишчиларимнинг ҳам рўзғори эртага бугунгидан кўра обод бўлади. Булар учун, албатта, энг аввало, мустақилликка, юртимиздаги эркинлик ва тинчликка шукрона айтишимиз керак. Қолаверса, бугун фермер бўламан, тадбиркорлик билан шуғулланаман, деганга барча шароитлар муҳайё экан, биз ҳам шунга муносиб бўлишимиз, енг шимариб меҳнат қилишимиз зарур. Зеро, юрт қадрини фақат фидойилар юксакка кўтара оладилар.

**Сувон ОМОНОВ,**
**Касби тумани**

*Tahlil va saboq*

# МАСЪУЛИЯТ ҲИССИ

**Бош қомусимиз — мамлакатимиз Конституциясининг 36-моддасида «Ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли», 53-моддасида эса «Бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади. Давлат истеъмолчилар ҳуқуқи устунлигини инобатга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баббаравар муҳофаза этилишини кафолатлайди», деган сўзлар битилган.**

Бу эса юртимизда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш учун кенг имкониятлар яратилгани ва мазкур фаолиятни ривожлантириш ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкам ҳимояланганидан далолат беради.

Албатта, бу ишлар бежизга қилинмаган. Негаки, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш бир томондан, давлат бюджетига наф келтирса, иккинчи томондан халқимиз дастурхонига тўкинлик олиб келади.

Аммо тадбиркорлар орасида яратилган ана шу имкониятлардан унумли фойдаланиш ўрнига ноқонуний йўллар билан мўмай даромад топишга интилаётган «тадбикор»лар ҳам учраб туради.

Масалан, Ўзбекистон туманида истиқомат қилувчи Илҳом Жўраевнинг хатти-ҳаракатларини олайлик. Аслида, Илҳом Жўраевни ҳам нафс қутқуси йўлдан оздирди. Йўқса, у илгари йўл қўйган хатоларидан ўз вақтида тўғри сабоқ чиқариб оларди. Нега деганда, у муқаддам уч марта — 1993, 2003, 2004 йилларда ноқонуний қилмиши учун суднинг қора курсисига ўтирган. Илҳом иккинчи марта Жиноят кодексининг 189-моддаси, 3-қисмида қайд этилган савдо ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини бузиш жиноятини содир этган эди. Лекин қонунларимиздаги инсонпарварликни қарангки, Президентимизнинг **«Амнистия тўғрисида»**ги Фармонига мувофиқ жазодан муддатидан илгари озод қилинганди. Бироқ у бағрикенгликдан ўзига тегишли хулоса чиқармади, аксинча, яна солиқ ва бошқа тўловларни тўлашдан бўйин товлаш, мансаб сохтакорлиги жиноятларини содир этди.

Шу ўринда гапни узоқроқдан бошлайдиган бўлсак, Илҳом Жўраев бундан икки йил аввал терговда шахсини аниқлашнинг имкони бўлмаган Ойбек исмли кимса билан бирга Қўқон шаҳрида «INTERLINK BIZNES» масъулияти чекланган жамиятни ташкил этади. Жамият Низоми 2004 йилнинг 31 мартида шаҳар ҳокимининг 340-сонли реестр рақамига асосан рўйхатга олинади. Жамиятга И.Жўраевнинг ўзи раҳбарлик қила бошлайди. Қисқаси, икковлон «Универсал банк»нинг шаҳар бўлимидан асосий ва «Ўзсаноатқурилишбанк» бўлимидан иккиламчи ҳисоб рақамини очишади. Бироқ улар Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 26 ноябрдаги **«Юридик ва жисмоний шахсларни рўйхатдан ўтказиш ҳамда улар томонидан савдо фаолиятини амалга оширишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги қарорга мувофиқ улгуржи савдони амалга ошириш ҳуқуқини берувчи махсус рухсатномани олишдан бўйин товлашади. Аксинча, шаҳар ҳокимлиги томонидан «Қўқон зийнат — таъмин» марказига 2003 йил 14 ноябрь куни берилган 187-сонли улгуржи савдо ҳуқуқини берувчи гувоҳномани компьютер орқали «INTERLINK BIZNES» МЧЖга берилган», дея қалбакилаштиришади. Сўнг ушбу сохта гувоҳнома орқали оз эмас, кўп эмас, 3.107.519.576 сўмлик улгуржи савдони амалга оширишади. Шундан 2.231.310.000 сўмлик харидоргир озиқ-овқат ва халқ истеъмоли молларини пул кўчириш йўли билан сотиб олишади. Лекин маҳсулотларни бозорларда нақд пулга сотиб юборишади. Савдодан тушган нақд пулларни назорат касса машинасига кирим қилиб, банкка топшириш эса табиийки, Илҳомжоннинг «ёдидан кўтарилади». Бундай сохтакорлик оқибатида Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 августдаги **«Пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги қарори талабларини қўпол равишда бузади. Бундан ташқари, бу шоввозлар йўл жамғармасига 1 фоизли ажратма бўйича 30.182.574 сўм, пенсия жамғармасига 0,7 фоизли ажратма бўйича 21.127.802 сўм солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан қасддан бўйин товлашади.

Мана, сизга бир фирибгарнинг жамиятимизга келтирган зарари. Хўш, бундай қаллоб кимсанинг хатти-ҳаракати қайси қонун мезонларига тўғри келади? Энг ёмон, бундай нопок қилмиш тадбиркор деган номга доғ эмасми?!

Ахир, бугун юртимизда ишлайман, бойийман, деган юрагида ўти бор кишилар учун барча шарт-шароит муҳайё этилган, имкониятлар жуда кўп. Ана шундай имконият ва қулайликларни четлаб ўтиб, нопокликка қўл урган кимсани қонун кечирмайди.

Тадбиркорлик билан ноқонуний равишда шуғулланиб, солиқ тўлашдан бўйин товлаган кимсалардан яна бири Қўқон шаҳрида яшовчи Жамолхон Носировдир. Шу йилнинг 7 февраль куни Фарғона вилояти Давлат солиқ бошқармаси бошлиғининг буйруғига асосан бошқарма, вилоят МХХ ҳамда Қўқон шаҳар ДСИ ходимлари иштирокида Жамолхон Носировга қарашли савдо дўконида қисқа муддатли текшириш ўтказилганда, 120 турдаги 90.752 дона 71.507.500 сўмлик спиртли ичимликлар бирон-бир ҳужжатсиз сотилаётгани аниқланди. Бундай хатти-ҳаракати билан Ж.Носиров Жиноят кодексининг 186-1-моддаси, 188-моддаси 3-қисмида белгиланган жиноятни содир этган.

Шу ўринда бир мулоҳаза қилиб кўринг. Ж.Носировнинг шунча катта миқдордаги спиртли ичимликларни ноқонуний равишда сотиши, нопок йўл билан бойлик орттиришга муккасидан кетишини нима билан изоҳлаш мумкин? Табиийки, бундай ножоиз қилмишни ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайди.

Яна бир мулоҳаза шундан иборатки, ҳар бир жамиятда фуқароларнинг ҳуқуқлари билан бир қаторда муайян бурчлари ҳам белгиланган. Айтайлик, олган даромади ҳисобидан маълум миқдорда солиқ тўлаш ҳам бизнинг бурчимиз саналади. Бу бурчни сидқидилдан адо этишдан бўйин товлаш, наинки, қонунбузарлик, балки ноинсофлик ҳамдир. Бундан ташқари, бурч унутилган жойда табиийки, нопоклик, адолатсизлик авж олишдан ташқари кўпчилик манфаатига путур етади.

**Илҳомжон ҚОДИРОВ,**
**Қўқон шаҳар давлат солиқ инспекцияси бошлиғи**
**Хуршид СУЛТОНОВ,**
**«Инсон ва қонун» мухбири**

## ИСТЕЪМОЛЧИ ҲУҚУҚИ КАФОЛАТЛАНГАН

***— Мен шартнома асосида бир корхонадан товар сотиб олмоқчи эдим. Истеъмолчи сифатида ушбу товар сифатини текшириб олиш ҳуқуқига эгаманми?***

**Гулноза ЭРНАЗАРОВА,**
**Тошкент шаҳри**

— Ҳа, албатта, сиз истеъмолчи сифатида шундай ҳуқуққа эгасиз. Чунки **«Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»**ги қонуннинг 8-моддасида истеъмолчи шартнома тузиш йўли билан товарни (иш, хизматни) эркин сотиб олиш ҳуқуқига эга бўлиб, бу шартномага кўра, сотувчи (ишлаб чиқарувчи, ижрочи) истеъмолчига муайян миқдорда ва муқобил сифатли товарни мулк қилиб топшириш (иш бажариш, хизмат кўрсатиш) мажбуриятини, истеъмолчи эса, шартлашилган пулни тўлаш мажбуриятини ўз зиммаларига олиши таъкидланган.

Товар (иш, хизмат)ларга қўйилган маълумот ва нархнома тегишли шартномани тузиш учун таклиф деб ҳисобланади.

Томонлар ўртасида миқдор, нарх ва бошқа масалаларда келишувга эришилса, истеъмолчи билан ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи) ўртасида шартнома тузилади.

Тузилган заҳоти бажариладиган шартнома, қоида тариқасида, оғзаки шаклда тузилади. Тузилган вақтдан бошқа пайтда (олдиндан бериладиган буюртмалар бўйича жўнатма савдода ва бошқа ҳолларда) бажариладиган шартнома эса ёзма шаклда тузилади.

Истеъмолчи сотиб олинган товар (иш, хизмат) сифатини, бутунлигини, вазни ва нархини текшириш ҳуқуқига эга, сотувчи (ишлаб чиқарувчи, ижрочи) эса, назорат-ўлчов асбобларини, нархга доир ҳужжатларни тақдим этиши, товарни ишлатиб кўрсатиши, ундан хавфсиз ва тўғри фойдаланишни ўргатиши, истеъмолчи талаб қилса, товарни экспертизага юбориши шарт.

**Саволларга юридик фанлари номзоди Саломат НИЁЗОВА жавоб берди**

